

СЕН — ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ПАНДЕМИЯ МУСТАҚИЛЛИК КУНИДА КАТТА ЙИҒИН ВА САЙИЛЛАР ЎТКАЗИШНИ ЧЕКЛАШНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 20 август куни тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилиши аввалида пандемияни жийовлаш доирасида олиб борилаётган ишларга алоҳида тўхталиб, Мустақиллик байрамини бундай шароитда нишонлаш юзасидан кўрсатмалар берди.

Жумладан, қайд этилишича, бугунга келиб мамлакатимизда жами коронавирус юктирганлар сони 37,5 мингдан ошди, шундан 33 мингдан зиёди ёки 88 фоизи соғайди. 4 минг беморни даволаш ва оиласи бағрига қайтариш чоралари кўрилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев бундай натижалар юртимиз тиббиёт ходимларининг буюк хизмати эканини алоҳида айтиб ўтди. Вазият, айниқса, Тошкент шаҳрида ижобий то-

монга ўзгараётгани, яқинда Россия, Германия ва Хитойдан тақлиф этилган шифокорлар худудлар ўртасида тақсимлангани, Германиядан яна мутахассислар келиши кутилаётгани қайд этилди. Хорижлик экспертлар, асосан, огир аҳволдаги касалларни энг замонавий услублар асосида, тизимли равишда даволашга жалб этилмоқда, деди Президент.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, айти ҳафталар

биз учун синовли давр бўлади. Кўрилаётган чоралар қанчалик натижа бериши кейинги ҳафтада аён бўлади.

Лекин аҳоли томонидан шифокорлар тавсияларига, яъни ниқоб тақиш, ижтимоий масофани сақлаш, оилавий маросимларни ихчамлаштириш каби қатъий эҳтиёт чораларига риоя қилинмас экан, давлат карантин чекловларини қайтадан татбиқ қилишга мажбур бўлиши қайд этилди.

Шу муносабат билан ҳар

биримиз пандемия шароитида яшаш ва ишлашга, ҳаракатларимизда эпидемиологик талабларга сўзсиз амал қилишга одатланишимиз кераклиги яна бир бор таъкидланди.

Шу боис ҳокимлар, сектор раҳбарлари ва вазирларга доимий равишда вазиятни таҳлил қилиб, COVID-19 тарқалишини қатъий чеклаш, беморларни самарали даволаш ва эҳтиёжмандларга ёрдам бериш бўйича барча чораларни кўриб бориш топшириғи берилди.

Юртимиз мустақиллигининг 29 йиллик айёми ҳам яқинлашиб келяпти.

Ушбу масалада шифокорлар билан маслаҳат қилган ҳолда шундай ҳулосага ке-

линдикки, пандемия билан боғлиқ вазият бу йил жойларда катта йиғин ва сайиллар ўтказишни чеклаш талабини қўймоқда. Шунинг учун ушбу улуг санани кўпроқ оила давраида нишонлашни ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Корхона ва ташкилотларда ҳам байрам тадбирлари режалаштирилган тақдирда уларни санитария нормаларига қатъий риоя этган ҳолда ўтказиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб ўтилди.

Оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғида байрам кунлари қизиқарли, янги форматдаги кўрсатувлар, эшиттириш ва чиқишлар намоиш этиш борасида тавсиялар берилди.

■ Парламент дипломатияси

Шу йилнинг 19-20 август кунлари Вена шаҳрида (Австрия) халқаро парламент ҳаётига оид муҳим тадбир — дунё парламентлари спикерларининг Бешинчи конференцияси бўлиб ўтди.

ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ МУЛОҚОТ ВА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

Ҳар беш йилда бир марта ўтказиладиган ҳамда юқори даражадаги парламент мулоқоти ва ўзаро ҳамкорлик учун дунё миқёсидаги ушбу нуфузли форумда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси номидан Спикер Нурдинжон Исмоилов қатнашди.

Ўзбекистон парламенти раҳбариятининг мазкур форумдаги иштироки юртимизга самарали парламент бошқаруви орқали инсонлар ва сайёрамиз тинчлиги ҳамда барқарор ривожланишини таъминлаш масалалари бўйича бошқа давлатлар парламентлари аъзолари билан фикр алмашиш, ҳозирги кунда дунё мамлакатлари халқлари олдида

турган долзарб муаммоларни ҳал этиш йўллари юзасидан парламент тавсияларини ишлаб чиқиш имкониятини беради.

Аввалроқ Ўзбекистон парламенти томонидан ушбу форумнинг ташкилий қўмитасига мамолатда парламентаризмининг ҳолати ва ривожланиш истиқболларини очиб берувчи материаллар, мамлакатимиз фуқароларини ташвишга солаётган долзарб масалалар рўйхати, жумладан, Ўзбекистонда коронавирус эпидемиясининг салбий оқибатларини бартараф қилиш амалиёти тўғрисидаги ахборот тақдим этилган эди.



■ Миллий кенгаш йиғилиши

КОРРУПЦИЯНИ БИРГАЛИКДА ДАФ ЭТАМИЗ

Бунинг учун барча куч ва имкониятларни бирлаштириш талаб қилинади.

Кеча Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси, миллий кенгаш раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Тадбирда сенаторлар, кенгаш аъзолари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, илмий-тадқиқот муассасалари мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармони билан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Шу билан бирга, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ва унинг худудий идоралараро комиссиялари Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ҳамда унинг худудий кенгашлари этиб қайта тузилди.

Сўнгги уч йилда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ҳамда жамият куралишининг барча соҳасида коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган ўндан ортқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, "Йўл хариталари" ва чора-тадбирлар режалари тасдиқланди.

"Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун билан ҳар бир давлат органининг вазифалари аниқ белгилаб берилди.



■ Долзарб мавзу

Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик ЎЗБЕКИСТОНГА НИМА БЕРАДИ?

Маълумки, Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) — мамлакатлараро савдо қоидаларини бошқариб турувчи ягона халқаро ташкилот ҳисобланади. Ҳўш, ушбу ташкилотнинг асосий вазифаси нимадан иборат? Глобал дунё учун қандай аҳамият касб этади? Унга аъзо бўлиш қанчалик самара келтиради? Келинг, қуйда шулар ҳақида фикр юритамиз.

Вазифалар ва кутиладиган натижалар

Аввало қайд этиш лозимки, ЖСТ (WTO, ингл. World Trade Organization)нинг асосий мақсадларидан бири ўзини ўзи ҳимоя қилишни кучайтириш ва протекционизм қўлланишини бекор қилишдан иборат. Мазкур ташкилот халқаро тижорат учун қўлай ҳуқуқий тизимни тақдим эта оладиган чексиз имконият эшиги. Ўзаро қабул қилин-

ган муҳим ҳужжатлар давлатларнинг ўз савдо сиёсатларини келишилган мезонларда олиб боришларида масъулият юклайди. Бундан қўзғанган мақсад — жаҳон бозорида муваффақиятли фаолият юритишда товарлар ва хизматларни ишлаб чиқувчилар, экспортёр ва импортёрларга кўмак беришдир.



«ЕР УЗУМ, ОСМОН УЗУМ...»

Қуёшнинг олтинранг шуъласи асад шамолидан сарғайган шода-шода узумлар доналарида аксланади. Узоқроқ термилиб қолсангиз, гўё ишқомдан нур ёғаётгандек ёки новвот томчилаётгандек тасаввур уйғотади.



■ Она замин саховати

Бейхитёр ҳаёлингизда халқимизнинг ардоқли шоири, Олтиариқ замини фарзанди Эркин Воҳидовнинг:

Оғтоб машшотаси
Ток сочини нурдан тараб,
Зангининг бўйнига осмиш
Шодаи маржон узум.
Токи ишқом мисли осмон,
Хар тараф юлдуз сочур.
Воҳ ажаб, бу не синоат,
Ер узум, осмон узум,

деган гўзал мисралари жонланади. Дарҳақиқат, мисоли еру осмонни тўлдириб, шодаи маржон бўлиб осилиб турган Олтиариқ узумларини кўрган ҳар бир инсонда хайрату ҳавас жўш уриши турган гап. Шохимардон дарёсининг ҳаётбахш ирмоқларидан, биллурдай тоза жилғалардан тўйиниб сув ичган узумларнинг ҳар донаси бошбармоқдек келиб, оғзингизга солсангиз, ширинлиги тилни ёради.



ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ МУЛОҚОТ ВА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК



Миллий парламент томонидан Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида давлат органларининг мамлакатимизни COVID-19нинг янада салбий оқибатларидан ҳимоя қила олган тезкор, кенг қўламли ҳаракатлари юқори баҳоланди.

Ўзбекистонда фуқароларнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий фаоллигини, биз-несни ҳамда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида маълумотлар берилди.

Қонунчилик палатаси

Спикерининг конференцияда тақдим этилган, аввалдан видеоасвирга олинган ва интернет тармоғида жойлаштирилган нутқи билан нафақат тармоқ фойдаланувчилари, балки ялпи мажлис катнашчилари ҳам танишиш имкониятига эга бўлди.

Ўтказилган Бешинчи конференция яқунлирига кўра, инсонлар ва сайёрамизга тинчлик ҳамда барқарор ривожланишни таъминлайдиган янада самарали кўп томонлама ҳамкорлик учун Парламент пешқадамлиги тўғрисидаги декларация қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

КОРРУПЦИЯНИ БИРГАЛИКДА ДАФ ЭТАМИЗ

Бунинг учун барча куч ва имкониятларни бирлаштириш талаб қилинади.



Қатор халқаро нодавлат нотижор ташкилотлари билан расмий алоқалар йўлга қўйилиб, халқаро рейтингларда мамлакатимизни юқори поғоналарга кўтариш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётди.

Йиғилишда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва «яширин иқтисодиёт»ни қисқартириш чоралари қўри-лаётгани ҳамда «Коррупция-сиз соҳа» лойиҳалари амалга оширилаётгани айтиб ўтилди. Шунга қарамай, коррупция ҳолатлари хали ҳам кузатилаётганлиги, бундан халқимиз азият чекаётгани, шу сабабли Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг фаолиятини тўғри йўлга қўйиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланди.

Жумладан, миллий кенгаш низоми лойиҳасини, «Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган миллий стратегия» ва «Миллий стратегия доирасида Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури» лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда мазкур йўналишда бир қатор қонунларни тақомиллаштириш зарурлиги билдирилди.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонда белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан кенгаш аъзолари томонидан маълумот берилди.

Хусусан, агентликнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги махсус ваколатли дав-

лат органи сифатида бажариши лозим бўлган ишлари, 2020-2021 йилларда барча давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизимини босқичма-босқич жорий этиш, Ўзбекистоннинг бу соҳада халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича тегишли «Йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш масалалари диққат марказида бўлди.

Қолаверса, уй-жой коммунал ҳўжалиги, сув ҳўжалиги, қурилиш ва энергетика соҳаларида давлат харидлари, давлат мулкни бошқариш ҳамда ундан фойдаланишда қонун ҳўжатларига риоя этилиши ҳолати бўйича ўрганиш ўтказиш, «E-Anticor.uz» электрон платформасини ва коррупция ҳолатлари ҳақида агентликни хабардор қилиш имконини берувчи махсус мобил дастурни жорий этиш йўналишлари ҳам урғу берилди.

Яна бир жиҳат. Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 27 майдаги қарори билан эксперимент тариқасида, дастлабки босқичда капитал қурилиш ва олий таълим йўналишларида «Коррупция-сиз соҳа» лойиҳасини амалга ошириш, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб лойиҳани бошқа тармоқларга ҳам қўллаш белгиланган эди. Йиғилишда бугунги кунда энг муҳим бўлган соҳалар, яъни солиқни саклаш ҳамда давлат харидлари тизиминида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга ошириш тақлиф этилиб, мазкур йўналишларда «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳлари тўзилди.

Яқунда қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ВАКОЛАТЛАРИ ОШИРИЛМОҚДА



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

Сиёсий партияларнинг парламент кўйи палатасидаги фракцияларининг кеча бўлиб ўтган йиғилишларида ушбу қонун лойиҳаси қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоларининг яқилд фикрига кўра, тақлиф этилаётган қонун лойиҳаси мулкдорлар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларининг кафолатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Қонун лойиҳасига ер участкаларининг ҳокимлар томонидан олиб қўйилишига тақиқ белгилаш, ер участкаси-га эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини тутғиш бўйича уларнинг ваколатларини чеклаш, ер участкаларини давлат ҳамда жамоат эҳтиёжлари учун, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун олиб қўйиш ваколатини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депу-татлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари-га бериш қабиларини назарда тутувчи ўзгартиш киритиш тақли-ф қилинмоқда. Бу фракция аъзолари томонидан ижобий ҳолат сифатида қайд этилди.

Фракция аъзолари ушбу қонун ло-йиҳасининг долзарблигини инобатга олган ҳолда, уни қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон «Миллий тикла-ниш» демократик партияси фракцияси йиғилишида таъкидлан-ганидек, кейинги пайтларда ер билан боғлиқ масалаларда аҳоли, тадбиркор-лар билан маҳаллий ҳокимликлар ўрта-сида қўллаб-зиддиятлар юзага кел-моқда. Бунга баъзан ҳокимликларнинг зид қарорлар қабул қилгани, баъзан эса фуқаролар томонидан давлат ери-нинг ноқонуний эгаллаб олингани са-баб бўлаётди. 2018-2019 йилларда дав-лат тасарруфидан чиқариш натижа-ларини қайта қўриб чиқиш бўйича рас-мий органлардан 526 та даъво ариза-си киритилиб, уларнинг 250 таси қано-атландирилган ва мулклар давлат их-тиёрига қайтарилган.

Ана шундай зиддиятли ҳолатларни тартибга солиш, ҳусусий мулк дахл-сизлигини янада тақомиллаштириш мақсадида юқоридаги ҳужжат билан амалдаги Қонуннинг айрим моддала-рига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тақлиф қилинмоқда.

Депутатларнинг қайд этишича, тақ-лиф қилинаётган ўзгартишлар орқали мулкдорлар ҳуқуқлари, уларни ўз мул-кига бўлган ҳуқуқидан асоссиз равиш-да маҳрум этишдан ҳимоя қилиш қа-фолати янада мустаҳкамланди. Ер участкалари олиб қўйилиш мўносабати билан мулкдорларга етказилган зарар-ларнинг ўрни тўлиқ қопланади ва бу фуқароларнинг давлатга, унинг орган-

ларига бўлган ишончини янада оши-шини таъминлайди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари муҳокама-лар жараёнида қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Рес-публикасининг Ер кодекси 37-модда-сига киритилаётган ўзгартишга эъти-бор қаратдилар. Унга биноан ер участ-касини ёки унинг бир қисmini давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ер эгасининг розилиги бўлган тақдир-да ёки ердан фойдаланувчи ҳамда ижа-рачи билан келишилган ҳолда теги-шинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатла-ри вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кен-гашлари ёҳуд Вазирлар Маҳкамаси-нинг қарорига биноан амалга ошири-лиши белгиланмоқда.

Фракция аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашларининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори усти-дан шикоят қилиш белгиланган тар-тибда амалга оширилди, дея умумий тушунча сифатида берилишига жиддий эътироз билдирди. Уларнинг фикрича, бу ҳолат фуқароларнинг судга муро-жаат қилишига доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш борасида қонунчиликда маълум бўшлиқни юзага келтирилиши мумкин. Шу боис халқ де-путатлари маҳаллий Кенгаши ёки Ва-

зирлар Маҳкамасининг ер участкаси билан боғлиқ қарори устидан судга му-рожаат қилишнинг аниқ механизмла-рини қонунчиликда акс эттириш зарур.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоларининг таъкидлашича, ер участкаларининг ҳокимликлар қарори асосида қонунчи-ликка зид тарзда олиб қўйилиши, мол-мулкни ҳусусийлаштириш натижалари-нинг қайта қўриб чиқилиши аксарият ҳолларда иш ҳақидан бошқа даромади йўқ фуқароларнинг қийин вазиятга ту-шиб қўлишига ҳам сабаб бўлиб кел-моқда. Нотўғри ёки ноқонуний қарор-лардан ижтимоий муҳофазага муҳтож, кам даромадли фуқаролар кўпроқ азиз-ят чекади. Ваҳоланки, нотўғри қарор-лар қабул қилинишига уларнинг ҳеч қан-дай алоқаси бўлмайдми. Шу боис фрак-ция юқоридаги қонун лойиҳасини тўлиқ қўллашчини билдирди.

Қолаверса, янги жорий этилаётган тизим ишончли бўлиши ва маҳаллий Кенгашларнинг мустақиллик тамойили асосида қарорлар қабул қилиши учун кенгрок шароит яратиш зарурлиги таъ-кидланди. Ҳоким маҳаллий Кенгашнинг қарор қабул қилиш жараёнига таъсир эта олса, қонунлардаги ўзгаришлар-нинг таъсири ҳаётда кам сезилиши, айрим метёрлар эса умуман бесамар кетиши мумкин, дея фикр билдирди.

Ўзбекистон Экологик партия-си фракцияси йиғилишида кейинги йилларда ер участкаларининг ҳокимлар томонидан олиб қўйилишига алоқадор қўнгилсиз воқеалар ҳақида турли маълумотлар тарқалаётгани, бу эса аҳоли-нинг эътирозларига сабаб бўлаётгани таъкидланди. Президентимизнинг теги-шли қарори билан тасдиқланган Конституция ва қонун устуворлигини таъ-минлаш, бу борада жамоатчилик назор-атини қучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксаттириш бўйи-ча чора-тадбирлар дастури асосида ишлаб чиқилган янги қонун лойиҳаси ушбу масалага ечим топидида муҳим ҳуқуқий асос бўлиши қайд этилди.

ЮКСАЛИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАРНИНГ ҲАЁТБАХШ МАНБАИ

Ватанимиздаги барча юксалиш ва янгиланишларнинг ҳаётбахш манбаи ҳисобланган Мустақиллигимизнинг 29 йиллигини "Сен — қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистони!" деган эзгу гоя асосида ўтказишга ҳозирлик қўраётганимиз жамики юртдошларимизнинг дилидаги гап бўлди, десак, айни ҳақиқат.

Мушоҳада

Ҳўш, саодат масканимизнинг қуд-рати нималарда намоён бўлади?

Авалло, дунёда ҳуми сураётган ко-ронавирус пандемияси талатўплари оралаб Президентимиз белгилаб берган янги тараққиёт йўлидан со-битқадамлик билан оидимляимиз. Мураккаб ҳамда тахликали вазиятда нафақат юртимиздаги аҳоли саломат-лигини таъминлаш, балки турли са-баблар билан хорижда бўлиб турган ватандошларимиз тақдир ҳақида ҳам қайғуриб, улар қиқларни барига қай-тариляпти. Бундай гамўрлик ва эзгу сый-ҳаракатлар ана шу қудратнинг яқол исботи эмасми?!

Мамлакатимизда қўрилган тезкор чора-тадбирлар натижаида карантин оқибатларини қишатиш ҳамда коро-навирусга қарши курашиш миллий протоколи яратилди. Натижада юртимизда эпидемиологик вазият назор-ат остига олингани ва бошқа мин-тақалардаги аҳолга нисбатан яхши-лангани халқаро экспертлар томони-дан ҳам эътироф этилди.

марали ташкил этиш ва мувофиқ-лаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агент-лиги ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари фаолияти йўлга қўйилди.

Юртимиз ўғил-қизларининг дунё миқёсида рақобатбардод кадрлар бўлиб етишишини таъминлашга хизмат қиладиган "Tashkent International University of Education" халқаро университети, Тошкент шаҳрида Туркиянинг Иқтисодиёт ва технологиялар университети фили-али, Тошкент шаҳридаги Британия ва Термиз давлат универси-тетларида юридик факультетлар очилиб, юридик таълим ҳамда фан-нини янада ривожлантиришнинг ус-тувор йўналишлари белгиланди.

Қолаверса, Самарқанд, Наман-ган ва Термиз давлат универси-тетларида юридик факультетлар очилиб, юридик таълим ҳамда фан-нини янада ривожлантиришнинг ус-тувор йўналишлари белгиланди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазир-лигининг тасвияномасига эга бўлган хотин-қизлар учун бакалавриятнинг кун-дуги таълим шакли бўйи-ча қўшимча 4 фоизли дав-лат гранти ажратилди.

Кўп йиллардан буюн гоаят оғриқли масалага айланган мактабгача таъ-лим тизими тубдан янги-ланиб, биргина жорий йилда 426 та мактабгача таълим муассасасини қуриш ишлари жадал да-вом эттирилмоқда. Шу-нингдек, жорий Инвес-тиция дастури доирасида 315 та мактабда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш мақсадида 1 трил-лион 293,8 миллиард сўм маблағ ажратилиши на-зарда тутилган.

Яқинда «Ёшлар — 2020: глобал бирдамлик, бар-қарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари» мавзусида ўтқа-

зилган Самарқанд форуми ишти-рокчиларига Президентимиз йўлла-ган тарабқида таъкидлаганидек, "...ёшлар сиймосида энг қимматли ва ўта муҳим ресурслар муқассам тоғлан бўлиб, унга ҳар қанча ин-вестция киритса арзийди, чунки бу сармоялар бир неча баробар зиёда бўлиб қайтади".

Муҳими, юртимиз қудрати ҳамда меҳрини ёшларимиз, халқимиз узоқ келажакда эмас, балки бугун ҳар қадамда қўриб-билиб, юракдан те-ран хис қилиб турибди. Саодатли юртимизнинг қуч-қудрати аслида ана шунда.

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.

IT СОҲАСИДА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ ҚАНДАЙ НАФ КЕЛТИРАДИ?

Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда ўзини ўзи банд қилиш шакли алоҳида ўрин тутади. Буни ривожланган давлатларнинг тараққиёт тарихи ҳам исботлайди. Бизда эса бандликнинг таянч омилли ҳисобланган ўзини ўзи банд қилиш шаклига, афсуски, яқингача астойдил эътибор берилмаган эди. Масалан, қонунчилик бўлими белгиланган юридик шахслар таркибий рўйхатида ўзини ўзи банд этувчилар ўзлари учун нисбатан макбул шакл — якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиши, тўловлар ва айрим маъмурий ёки бюрократик тўсиқлар билан «ҳисоблашиши»га тўғри келарди. Қолаверса, ўзини ўзи банд этувчиларнинг ҳисобини юритишда самарали чоралар бўлмагани сабабли, улар учун норасмий тарзда ишлаш фойдалироқ эди. Натижада иш билан банд бўлганлар рўйхатидаги ушбу муҳим қатлам фаолиятининг Давлат бюджетига ҳеч қандай ижобий таъсири ҳам сезилмади.

Нуктаи назар

Президентимизнинг 2020 йил 8 июндаги "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишнинг давлат томонидан тартибга солишни сод-далаштириш чора-тадбирлари тўғри-сида"ги қарори билан ўзини ўзи банд қилган аҳолининг ороу-истак-ларини юзага чиқариш учун айни қулай шартлар яратилди. Жумла-дан, IT соҳасида ўзини ўзи банд қил-ган шахслар учун қатор имконият ҳамда янгиликлар жорий этилди.

Шу ўринда "IT соҳасида ўзини ўзи банд қилувчилар қимлар ва бу

хизмати учун тўлов сифатида кел-ган маблағни ўз ҳисоб рақамидан ечиб олиш сўрови банклар томони-дан "тақдим этилаётган хизматлар учун экспорт шартномасини тақдим қилиш" шартли тўфайли рад этила-рди (кўп ҳолларда бундай шартнома-лар онлайн шаклда тегишли тақ-лифлар билан ўрнатилади). Яна, ўзини ўзи банд қилувчиларнинг меҳ-нат фаолияти пенсия жамғармала-ри ҳисоб-китобида ҳам ҳеч қандай тарзда акс эттирилмас эди. Бу каби ҳолатлар ҳам давлатга, ҳам ўзини ўзи банд қилувчилар мақсадларига тексари эди, айниқса, IT соҳасида ишловчилар учун.

Президентнинг янги қарори бил-лан юқоридаги сингари тўсиқлар ва ноқулайликларга ечим топилди, де-йишга асослар етарли. IT соҳасида ҳам ўзини ўзи банд қилувчилар учун янги имкониятлар яратилди. Хусу-сан, эндиликда:

— IT соҳасида ўзини ўзи банд қилган аҳолининг фаолияти рўйхати кенгайтирилди;

— рўйхатга олиш шакли содда-лаштирилди — "Solid" иловаси ёки солиқ органларининг электрон дав-лат хизматлари портали my.solid.uz орқали рўйхатга олиш имконияти тақдим этилди;

— ўзини ўзи иш билан банд қил-

ган шахслар 2020 йилда базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоиздан кам бўлмаган ҳажмида ижтимоий солиқ тўлайдилар, шу билан бирга, бу маб-лулар пенсия ва иш стажини ҳисоб-лаш учун бюджетдан ташқари Пен-сия жамғармасига йўналтирилади;

— интернет тармоғи орқали хиз-матлар қўрсатувчи (ишлар бажарув-чи) ўзини ўзи банд қилган шахслар-га (фрилансинг) қўрсатилган хизмат-лар (бажарилган ишлар) учун чет эл-даги жисмоний ва юридик шахслар — норезидентлардан хорижий валю-тадаги тўловларни Ташқи савдо опе-рацияларининг ягона электрон аҳо-рот тизимига тегишли маълумотлар-ни киритмаган ҳолда республика банк-ларидаги ҳисоб рақамларига қабул қилиш ҳамда контракт тўзмасдан, ке-лишув тўғрисидаги оммавий тақлиф-ни (оферта) қабул қилиш ёки элек-трон ёзишмалар алмаштиш ёҳуд ҳисоб-фактураларни (инвойс), шу жумладан, электрон шаклда тақдим қилиш йўли билан чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар қўрсатиш (иш-лар бажариш) ҳуқуқи берилди.

Президентимизнинг мазкур та-шаббуси натижаида, бугунга ке-либ IT соҳасида ўзини ўзи банд қил-ган 3500 нафардан зиёд шахслар рўйхатга олинди. Фаолият доира-сига кўра, ижтимоий тармоқларда-

ги фаолият — 27 фоиз, онлайн маслахат бериш — 11 фоиз, дасту-рий таъминотлар ва веб-сайтлари ишлаб чиқиш — 33 фоиз, мулти-медиа ва дизайн материалларини ишлаб чиқиш ҳамда яратиш — 16 фоиз, маттни яратиш ва ишлаб чиқиш — 13 фоизни ташкил этади.

IT соҳасида ўз-ўзини банд қил-ган фуқароларнинг жорий йил учун киритган сармояси энг кам миқ-дорда 395 миллион сўмни, барча соҳага киритган маблағнинг энг кам миқдори эса 26 миллиард сўмга тенг бўлмоқда.

Ўзини ўзи банд қилган фуқаро-ларни қўллаб-қувватлаш учун қўри-лаётган мазкур чоралар нафақат Ўзбекистондаги IT ривожини учун, бал-ки тармоқнинг келгуси ривожлан-шига имкон берувчи қарорлар қабул қилиш ҳамда соҳада хизматлар экспорти ва ҳажмига доир расмий маълумотларни тўғрилашда ўз ак-сини топади.

Умиджон ЖАББОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сийсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси.



«Халқ сўзи».



Ғафур Ғуломнинг Самарқанд дорилфунунига бағишланган “Самарқанд учун” шеъри 1948 йилда ёзилган.

*Нилий гўмбазлар кўк ичида кўк,
Лоҳувард осмонда чилний кабутар.
Самарқанд сайқали рўйи замин аст,
Шарқнинг кўрки бўлган тарихий шаҳар.*

Шоирнинг тарихидан муҳим фарқи шундаки, у тарихий ҳақиқатни ўз бадий ҳақиқати билан тасдиқ этади. Шердор мадрасасининг пештоқида тириклик — қуёш, гўзаллик — кийик, мардлик — шер тимсолида гавдаланганидек, ушбу шеърда ҳам ҳар бир сўз, жумла, ишора ўзининг рамзи, сифати, қиёси, ранг ва тароватига эга. “Гумбаз” шунчаки “гумбаз” эмас, “нилий гумбаз”, “осмон” ҳам ҳар галигидан фарқли равишда “ложувард осмон”, “кабутар” ва айни пайтда бу сифатлар дунёнинг, файзу бараканиннг, тинчликнинг рамзлари ҳам бўлиб келади. Сатрлар бир-бирига мантиқан мустаҳкам боғланиб, муайян поэтик манзарани юзага келтирилади.

Шеърнинг иккинчи бандида халқнинг ўтмиши, бошидан кечирган жабру жафолари тўғрисида сўз кетади:

*Мангайнинг бир ажин касб этолгунча,
Минглаб жағоаларни кечирди бошиг.
“Ўзбекистоннинг кечирди бошиг,
Ўзбекистоннинг кечирди бошиг.”*

Самарқанд дорилфунунига атаб ёзилган шеърнинг иккинчи бандида шоир халқнинг минг йиллик жабру жафолари тарихидан сўз бошлаб, нега гапни Улуғбекнинг “Жижи Кўрагоний” жадвалларида қайтайти? Шоирнинг талқинига кўра, манглабга аҳиннинг пайдо бўлиши ўтаётган йилларнинг эмас, балки у бошдан кечирган кўрғиликларнинг аломати. Юнон, араб, мўғул босқинларидан сўнг ҳар қил оёбод ва фаровон юрт ҳаробага айланган, моддий ва маънавий бойлиқлар талон-торож қилинган.

Маълумки, 140 йиллик мўғул босқинидан сўнг Амир Темурининг тарих саҳнасида чиқиши Мовароуннаҳрда марказлашган ягона давлат барпо этилишига асос бўлди. Мамлакатда оқсоғилларни ўрнатилиши, сиёсий-иқтисодий соҳанинг барқарорлашуви маданий ҳаётда ҳам иқибоб ўзгаришлар бўлишига олиб келди.

Бу даврда Самарқанд Шарқ ва Ғарбда маданият жиҳатидан раванк топган, мадрасалари,

Маърифат оғирлиги ўчмакни билмас...

Тарихийлик ва фалсафийлик академик шоир Ғафур Ғулом поэтик услубининг муҳим қирраларини белгилаши — адабиётшунослиқда ўз тасдиғини топган илмий ҳақиқат. Чиндан ҳам, шоир қайси мавзуда шеър ёзмасин, албатта, шеърда шоирнинг бугунги ҳаёт тўғрисидаги поэтик мушоҳадалари тарихий сабоқлар ва хулосалар ҳамда файласуфона дунёқараш билан синтезлашиб, табиий қўйма сатрларга айланади.

Акс садо

илму улаомлари, бозорлару бог-роғлари билан донг таратган маънавий марказга айланди. Хусусан, “Жижи Кўрагоний”нинг яратилиши жаҳон илмида оламшумул воқеа бўлди. Унда Мирзо Улуғбек 1018 та собит юлдузнинг ўрни ва ҳолатини аниқлаб беради. Илми нукум масалаларига бағишланган бу асарда, шунингдек, Қуёш, Ой ва беш сайёранинг ҳаракатлари ҳақида баҳс юритилади.

Шоирнинг талқинича, “Жижи Кўрагоний” нафақат осмон илмининг, балки халқ бошидан кечирган узоқ асрлик машаққат ва ситамларнинг сонияма-сония қайд этилган солнома-сидир.

Улуғбек бир вақтнинг ўзида Самарқанд, Бухоро, Ғиждувонда учта мадраса барпо этади. Самарқанддаги мадраса қурилиши 1417 йилда бошланиб, 1420 йилда нихоясига етказилади. Улуғбек раҳнамолигида бу мадрасага Мовароуннахр ва Хуросондан юзлаб ўз даврида ном таратган астрономия ҳамда математика билимдонлари, адиблар, муаррихлар, хаттотлар, расомлар, меъморлар жалб этилади. Бу муғул итисоси даврида таназзулга юз тутган Ренессанснинг қайта ўйғониши эди.

*Нишур вафоларини “Хамса”син ёзган
Жомий, Навоийнинг асрий нидоси,
Ҳали гўмбазидан ғўнғирлаб келур,
Олимлар баҳсининг аксу садоси.*

“Ғафур Ғуломнинг поэтик тилидаги қисқалик сермазмун қисқалқидир, — деб ёзади профессор Нуриддин Шукров. — Шоир шеърни сатрларида ўз фикрларини шундай баён этадики, натижада унинг бевоисита айтган гапларини тушуниш билан бирга, чўзиқликдан қочиб олиш мумкин”. Чиндан ҳам ушбу сатрларда шоир Жомий ва Навоийнинг “асрий нидоси” бўлган “Хамса”ларини эслаб ўтади. Бирок бу Ғафур Ғулом айтмоқчи бўлган фикрнинг муқаддимаси, ҳаммаси эмас. Чунки у айтилганган бошқа гапларини англаб олиш учун китобхоннинг тарихий хотирасига таянади, яъни ўқувчининг тарихий хабардорлигини назарда тутати. Гап шундаки, Абдураҳмон Жомий Хирот мадрасасида тахсил олаётганда устозлари унга бошқа нарсаси ўргата олмасликларини айтишди ва Самарқандга бориб тахсилни давом эттиришни маслаҳат беришди. Аълоҳон Афсаҳоннинг “Жомий — адиб ва мутафаккир” рисоласида келтирилишича, Жомий Самарқандга уч марта келади, аввал

таълим олиш учун, сўнг икки бор Хожа Ахрор билан суҳбатлашиб мақсадида. Хожа Ахрор ҳам Хиротга борганда Абдураҳмон Жомийнинг уйида бир муддат яшайди. Тасаввуф таълимотининг бу икки даҳосининг учрашуви мавлоно Жалолиддин Румий ва Шамс Табризийнинг тарихий учрашувларини эсга солади.

Албатта, шеърятнинг табияти бундай тарихий батафсилликни кўтармайдми. Ғафур Ғулом энг муҳим деталлар, номлар, иборалар билан давр атмосферасининг характерли чизгиларини беришга эришади.

Ҳазрат Абдураҳмон Жомий ҳам, Навоий ҳам Самарқанд мадрасасида тахсил олганлар. Қўри-ни турбидики, Ғафур Ғулом ҳар бир мисрани тарихий ҳақиқат билан тасдиқлаб боради. Нилий гумбазлардан “олимлар баҳсининг аксу садоси”ни эшитгандек бўлади.

*Улуғбек юлдузлар сирин фоиш этиб,
Сўник шам олдиди тақдими этди бош.
Маърифат оғирлиги ўчмакни билмас,
Топламмас тупроққа тугида кўеши.*

Ғафур Ғулом ушбу шеърда Улуғбек номини икки бор тилга олади. Шоир учун Улуғбек — Шарқ маърифати ва донишмандлигининг тимсоли. Бу тимсол орқали Улуғбекнинг ҳукмдорлиги, олимлиги, мадрасаси, бу мадрасада илмий баҳсу мунозаралар олиб борган Тафтазоний, Қозизода Румий, Жамшид Қоший, Мавлоно Аҳмад, Муҳаммад Ҳавофий, Али Қўшичи англашляди. Жомий ва Навоийни Самарқандга етаклаган тўйғу ҳам ана шу тимсол эди.

*Ўз давлат тугроли, хур Ўзбекистон,
Маълум Шарқ халқига бўлулур кўзур.
Яши, ўй халқининг дорилфунуни,
Илму фан манбаи барҳаёт ЎзГУ.*

Самарқанд давлат университети 1961 йилгача Ўзбекистон давлат университети (ЎЗГУ) атаб келинган. Дарҳақиқат, Улуғбек 1420 йилда тама тошини қўраш мадраса, шоир айтганидек, бугун СамДУ тимсолида ўзининг барҳаёт аъналарини давом эттирмоқда.

Олий мадраса билан университет орасида ворисийлик авлодлар ўртасидаги робита ҳамда узвийликнинг аҳойиб ва типик намунасидир. Европа олий ўқув юртлири тарихига назар солсак, улар ҳам аввал диний муассаса сифатида ташкил топиб, кейинчалик дунёвий университетларга айлантирилган. Мирзо Улуғбек асос солган олий мадрасанинг диний муассасалардан устунлиги шундаки, бунда ҳам диний, ҳам дунёвий билимлар бирдек ўқитилган. Шу боис Ғафур Ғулом қалбидаги миллий ғурур, миллий ифтихор

тўйғуси қуйидаги ҳароратли ва ҳаётий сатрларга кўчари:

*Ватанга — жамоли жаҳон оронин
Бергуччи фарзандлар бешиги бу ер,
Шарққа маърифатини аниқ юзини
Бениқоб кўрсатган эшиги бу ер.*

Ватанимизда илк мадрасалар IX асрда қурилган. Бу аънаа кейинги юз йилликларда ҳам давом этган. Уларда илк ўйғониш даврининг бир қатор намояндалари етишиб чиққан. Бирок бу мадрасаларнинг ҳеч бирида йирик илмий мактаблар пайдо бўлмаган эди. Улуғбек мадрасасидек ёрқин порламаган, узоқ асрлар давомида аъналарининг бардавомлигини сақлаб қололмаган эди.

Мазкур шеърнинг ёзилганига 70 йилдан зиёд вақт ўтди. Шўро сиёсати ва мафкураси гуллаб-яшнаган бир пайтда, ўзбек халқи октябрь инқилобига гирт саводсиз бўлган, деган ғоя ҳукм сурган бир замонда бундай поэтик мазмунни ифода этишининг ўзи бир жасорат эди.

Энг муҳими шундаки, Ғафур Ғулом нафақат бу шеърда, балки “Ўттиз ёшли ЎзГУга”, “Севсам, севибманда” каби асарларида ҳам Самарқанд университетида Улуғбек мадрасаларининг вориси, Самарқанд тимсоли сифатида қарайди ва тарихий ҳақиқатни бетакор ғафурона услубда бадийлаштиради.

Ўз вақтида Ғафур Ғулом орзу қилган, шеърларида илгари сурган бадийй ғоя, поэтик мазмун бугун реал ҳақиқатга айланмоқда. “Халқ сўзи” газетасининг 3 июль сонидида чоп этилган университет ректори Рустам Холмуродов билан “Тамaddon дарёси ҳамон оқмоқда равон. Ўзбекистонда илм-фаннинг янги Ренессанс даври бошланмоқда” сарлавхали суҳбатда Самарқанд давлат университети Улуғбек мадрасасининг ҳаққоний вориси экани ҳар томонлама асослаб берилди. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг СамДУнинг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори юртдошларимизнинг қалбини ғурур-ифтихорга тўлдирди, янги изла-нишлар ва ижодкорликка илҳом бахш этди. Гуёки Ғафур Ғулом шеърининг сўнгги мисраларида бизни бугун ана шу муборак сана билан табрик-лаётгандек бўлади:

*Оталар одобини тутиб назарда,
Келтириб дўстларга атаб худуста,
Чўки Самарқанд бу ЎЗГУ демаскир,
Шоирнинг жони ҳам унга пайваста.*

Шавкат ҲАСАНОВ,
СамДУ профессори.



Тақдимот

ОНЛАЙН ТАРҒИБОТ ЛОЙИҲАСИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Республика Маънавият ва маърифат маркази, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси ҳамкорлигида Ватанимиз Мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан “Сен — қудрат манбаи, саодат маскани, жонжон Ўзбекистоним!” шиори остида онлайн тарғибот лойиҳаси ўз ишини бошлади.

Афсуски, жорий улугъ айём қоронғивирсуга қарши кураш кетаётган мураккаб бир пайтга тўғри келмоқда. Мозийга боқиб, ўтмиши ва келажаги буюк юрт қанчадан-қанча оғир синовларни мардонларов энгиб ўтгани, ҳамжиҳатликда музаффар тонглари қарши олганини англаймиз. Бугун ҳам халқимиз бир ёқадан бош чиқариб, ўз олди-ишонийлик, баркиренлик, саховат ҳамда олижаноблик каби эзгу ва улугъ мақсадлар қўйиб, хуррият байрамининг 29 йиллигини муносиб қутиб олишга тайёр турибди.

Пандемия бизни янгича яшашга, мавжуд вазиятга мослашиб, фаолиятимизни давом эттиришга ўргатмоқда. Шу маънода, энг улугъ, энг азиз байрамимиз арафасида авваллари ҳар бир вилоятда ўтказилган конференциялар, фестиваллар, учрашувлар, танловлар бугун қарантин талабларига кўра онлайн шаклга ўтди. Аммо шакл ўзгаргани билан, мазмунга, моҳиятга асло пултур етгани йўқ. Мақсад ўша — меҳнаткаш ва фидойи халқимиз қўнғилда қўтулур байрамимиз — мустақиллик шодлиғини кайфитини ўйғотиш, уларга байрамона кўтаринчилик бағишлаш ҳамда энг улугъ неъмат — хурриятнинг нечоғли азиз ва муқаррам эканлигини яна бир бор ёдга солишдир.

Лойиҳа доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлар аҳолиси вакиллари билан жалб этган ҳолда тақдими олимлар, ёзувчи ва шоирлар, маданият ҳамда санъат намояндалари иштирокида онлайн тизимда маданий-маърифий тадбирлар амалга оширилади.

Ушбу лойиҳанинг тақдими

Республика Маънавият ва маърифат маркази, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси ҳамкорлигида Ватанимиз Мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан “Сен — қудрат манбаи, саодат маскани, жонжон Ўзбекистоним!” шиори остида онлайн тарғибот лойиҳаси ўз ишини бошлади.

Онлайн мулоқотда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ислохотлар юртдошларимизнинг турмушини яхшилаш, дунёқарашини юксалтириш, юртимизни ҳар томонлама обод қилиш, унинг иқтисодий қудратини кучайтириш, янги Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўсини оширишга хизмат қилаётганини, пандемия шароитида ҳам бу ўзгаришларни изчил давом эттиришларини таъкидлаб, фикрларини аниқ ҳаётий мисоллар ҳамда илмий таҳлиллар воситасида асослаб ўтилади.

Онлайн учрашувда бугунги кунда мамлакатимизда пандемия билан боғлиқ юзага келган мураккаб синовларни муносиб энгиб ўтишда мустақиллигимизнинг сафарбар этувчи ва бунёдкор қудрати илҳомбахш манба сифатида барчамизга куч-ғайрат, эртанги кунга бекиёс ишонч бахш этаётгани алоҳида эътироф этилди.

Хоразм ҳамда Тошкент вилоятларида амалга оширилаётган иқтисодий-сиёсий, маънавий-маърифий, илмий-ижодий ислохотлар ҳақида билдирилган фикрлар пойтахт вилояти аҳолиси ва хоразмлик юртдошларимизга руҳий куч-қувват бағишлаб, уларни келгусидаги истиқболли режалар сари илҳомлантириб юборди. Онлайн семинар кўтаринки руҳда, байрамона кайфиятда ўтди.

«Халқ сўзи».

АҚШДА ЎЗБЕК РАҚС САНЪАТИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси хабарига кўра, Вашингтонда мамлакатимиз Мустақиллигининг 29 йиллиги олдида ўзбек рақс санъатини ўрганиш бўйича икки ҳафталик “Silk Road Dance Camp 2020” лойиҳасига старт берилди.

Мазкур маданий тадбирда Виржиния, Калифорния, Кентукки, Колорадо, Луизиана, Массачусетс, Мэриленд, Огайо, Колумбия округи ва Флоридадан вакиллар иштирок этмоқда.

Фахр

“Silk Road Dance Camp 2020” дастури доирасида юртимизнинг Вашингтонда жойлашган элчихонасига виртуал саёҳат, ўзбек рақси тарихи бўйича қатор маърузалар, ош тайёрлаш жараёни намойиши, Хоразм ва Бухоро вилоятлари рақс машғулотлари, Ўзбекистоннинг тарихий ҳамда маданий хусусиятлари тақдими, Тамарахоним уй-музейига виртуал ташриф ва бошқа тадбирлар ташкил этилади.

Олима шу кунга қадар

Ўзбекистонда ўн тўрт маротаба бўлган. Алишер Навоий номдаги Ўзбекистон давлат академик катта театри тақлифига биноан юртимизда икки йил давомида яшаган ва ўндан ортиқ телевизион рақс дастурларида қатнашган. Шунингдек, Лаурел Грей 1993 йилда Ўзбекистон кўғирчоқ театри, 1997 йилда “Шарқ тароналари”, 2018 йилда “Рақс сеҳри” фестивалларида ҳайбат аъзоси сифатида иштирок этган.

Таниқли ижрочиларимизнинг маҳоратини намойиш

қилиш учун дастурга Ўзбекистон халқ артисти Қодир Мўминов ҳам жалб этилди.

Таъкидлаш жоизки, 2019 йилда элчихона томонидан ташкил қилинган шундай тадбирда АҚШ, Ливия, Франция, Германия, Тунис ва бошқа мамлакатларда “Муножот”, “Тановор”, “Интизор”, “Бухоро юлдузи” сингари миллий рақсларни ижро этган Ўзбекистон халқ артисти Қизлархон Дўстмухамедова қатнашган эди.

Шавкат ОРТИҚОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

ЭЪЛОН

Инвесторлар ва қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги ПҚ-4343-сонли қарорига мувофиқ, шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилар учун замонавий дизайн ва андазадаги арзон уй-жойлар қуриб бериш ҳисобидан уларни рағбатлантириш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 октябрдаги 865-сонли қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилар учун кўп қават (квартира)ли уйларни тайёр ҳолда топшириш шартлари билан қурилиш бўйича инвесторлар ёки қурилиш ташкилотлари ҳамкорликка таклиф этилади.

- Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Зафаробод кўчаси, 110-уйда жойлашган қурилиш умумий майдони 3000 м² бўлган автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси.
- Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 20-уйда жойлашган умумий майдони 9215 м² бўлган кўп қават (квартира)ли уй.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси Қўмита аъзоси Мухтор Ходжиматовга падари бузрукворни

Ўбайдулло ХОДЖИМАТОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Халқ сўзи».

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
**71-232-10-63,
71-232-11-15.**

E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz



«ЕР УЗУМ, ОСМОН УЗУМ...»



Бу — тупроққа таъзим қилиб, ундан дуру гавҳар ундираётган олтиариқлик бобо-деҳқонларнинг ер билан тиллашиш ва диллашиш ҳади-сини олганидан. Зеро, “Олтиариқнинг тупроғи — зар, деҳқони — заргар”, деб бежиз айтишмайди.

Элимизнинг ризқ-насибасини яратувчи миришкорларда узумнинг “Хусайни”, “Риззамат ота”, “Келин бармоқ”, “Мерс”, “Шохонак” сингари ўнлаб навларини парвариш-лаш бўйича жуда катта ҳаётий тажриба бор. Абдувоҳид Мирзажонов, Иброҳим Раҳимов сингари халқ селекция-нерлари серхосил, эртапи-шар, касалликларга чидамли навларни ўзаро пайвандлаш орқали экспортбоп узум навларини янада тақомил-лаштиришга эриш-ди. Айтганча, бир неча йиллар олдин ўзбек олими томонидан яратилган “Риззамат ота” нави айнан олтиариқликларнинг саъй-ҳаракати билан бугун жаҳон бозорига энг ҳа-ридориги ва қим-мат нархда соти-ладиган узумга айланади.

Айни пайтда ту-манда йилгига ўртача 50 минг тонна узум етиштирилиб, унинг 65 — 70 фоизи Россия, Қозоғистон, Беларусь, Бирлашган Араб Амирликлари сингари мамла-катларга экспорт қилинади. Олтиариқлик тадбиркорлар — Ҳокимназар Маматов, Адхамжон Абдурахмонов узумни Европа, араб давлат-ларига экспорт қилишни йўлга қўйиш ҳаракатида. Уста боғбон Исоқжон Бойматов Ҳиндистондан олиб келган узум нави-ни маҳаллий иқлим шароитига мослаштириш бўйича тинмай изланмоқда.

Хусанжон Ғафуров узумни баҳор фаслида ҳам ишқомда табиий ҳолида сақлайди, унинг хонадони гуёки оқиқ осмон остидаги музей. Аслида унинг тадбиркорлигига қойил. Айни пишиқлик пайтида ки-лосини ўртача 10 минг сўмдан сотиш мумкин бўлган узум-ни у меҳнати эвазига маъ-лум муддат сақлаб, қиш-қировил, баҳорнинг илғизил-ди қулларидан 30 — 35, баъ-зан 100 минг сўмгача сотади.

— Узум тоқдан узилмай тургани сари шарбатга тўлиб, худди асал, новвот,

қандга ўхшаб қолади. Табиий дармондориларга роса тўйи-нади, — дейди Хусанжон ака. — Тўғри, туманда 60 минг тонна сизимга эга мева-саб-завот сақлайдиган 70 та муз-латкичи омборхона бор. Ле-кин узумни истаган пайтда тоқдан қўл билан узиб олиб ейишининг роҳатига нима етсин!

Ҳаёт шиддати олтиариқ-ликларни ҳам деҳқонликка илм билан ёндашиб, инно-вацион ғояларни татбиқ этишга ундаётгани айни ҳақиқатдир. Президентимиз-нинг Фарғона вилоятига амалга оширган ташрифла-ри чоғида белгиланган ва-зифалар доирасида туманда минглаб гектар ерларда узумчилик плантациялари

— Узум тоқдан узилмай тургани сари шарбатга тўлиб, худди асал, новвот, қандга ўхшаб қолади. Табиий дармондориларга роса тўйи-нади, — дейди Хусанжон ака. — Тўғри, туманда 60 минг тонна сизимга эга мева-сабзавот сақлайдиган 70 та музлаткичи омборхона бор. Лекин узумни истаган пайтда тоқдан қўл билан узиб олиб ейишининг роҳатига нима етсин!

барпо этилапти. Аънавий хўраки навлар билан бирга қилинмиш, майизбоп узум навларини экишга ҳам ало-ҳида эътибор қаратилаётир. Жаҳон бозорини нари борса тўрт-беш ой эмас, йил — ўн икки ой узум билан таъмин-лаш мақсадида истиқболли бизнес-режалар ишлаб чиқилапти.

“Яшаш яхши, яхши яшаш — ундан ҳам яхши”. Яхши яшаш учун эса ердан тортиб қувшанга — ҳаммаси керак, барчаси зарур. Буни ўз вақ-тида англаб етган олтиариқ-ликлар кўз илғамас олис самолардан мўъжизалар қутиб яшашга одатланмаган. Улар мўъжизалар шундоққина қўл узатса ушлаб олиш мумкин бўлган жойда — ўзининг оиласида, томорқасида сид-қилдидан қилинган меҳнатда эканлигини жуда яхши била-ди. Ҳамма гап ана шунда.

Ийлинг тўрт фаслида ҳам елкасидан кетмонни, қўлидан гулқайиш тўшмайдиган ол-тиариқликлар меҳнатига таъ-зимдаимиз!..

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

